

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2018 йил январь–сентябрьда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 2803,7 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,35 миллиард АҚШ долларини) ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 120,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь–сентябрь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2803,7	120,3	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	391,3	132,7	14,0
бюджет маблағлари	92,5	50,8	3,3
бюджетдан ташқари фонdlар	197,2	192,9	7,1
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	101,6	5мр	3,6
Марказлашмаган инвестициялар	2412,4	118,3	86,0
корхоналарнинг ўз маблағлари	908,2	121,1	32,4
аҳоли маблағлари	733,2	103,4	26,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	179,2	110,3	6,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	591,8	142,6	21,1

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**
(январь-сентябрь, фоиз ҳисобида)



**2018 йилнинг январь-сентябрида асосий капиталга инвестицияларнинг
технологик таркиби**

	Жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	2803,7	478,1	2325,6
<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	92,5	54,3	38,2
давлат максадли жамғармалари маблағлари	172,3	166,2	6,1
корхоналар ва аҳоли маблағлари	1641,3	151,3	1490,0
чет эл инвестициялари ва кредитлари	280,8	79,9	200,9
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	591,8	1,5	590,3
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	24,9	24,9	0,0

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**


	Январь–сентябрь			
	2017 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2018 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами, млрд.сўм	1795,0	100,0	2803,7	100,0

*шу жумладан иқтисодий фаолият
турлари бўйича:*

кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	146,4	8,2	215,4	7,7
тоғ–кон саноати	8,0	0,5	48,9	1,7
ишлаб чиқариш саноати	235,6	13,1	573,5	20,5
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	52,3	2,9	80,9	2,9
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиши	38,5	2,1	98,9	3,5
курилиш	131,8	7,3	111,9	4,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	133,0	7,4	123,3	4,4
ташиш ва сақлаш	113,7	6,3	120,7	4,3
яаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	21,4	1,2	19,9	0,7
ахборот ва алоқа	88,0	4,9	24,5	0,9
молиявий ва суғурта фаолияти	13,8	0,8	17,4	0,6
профессионал, илмий ва техник фаолият	10,1	0,6	30,8	1,1
таълим	45,9	2,6	106,9	3,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	53,2	3,0	94,0	3,4
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари курилишига инвестициялар	668,0	37,2	962,4	34,3
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	9,6	0,5	44,6	1,6
бошқа фаолият турлари	25,7	1,4	129,7	4,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 48,9 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмида 1,7 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 13,8 млрд. сўм 0,5 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 573,5 млрд. сўм, (20,5 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 78,9 млрд. сўм (2,8 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 122,1 млрд. сўм (4,4 фоиз), кимё маҳсулотлари – 121,1 млрд. сўм (4,3 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 83,6 млрд. сўм (3,0 фоиз), металлургия – 2,1 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 80,9 млрд. сўм (2,9 фоиз), қурилиш – 111,9 млрд. сўм (4,0 фоиз), ташиш ва сақлаш – 120,7 млрд. сўм (4,3 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 123,3 млрд. сўм (4,4 фоиз), ахборот ва алоқа – 24,5 млрд. сўм (0,9 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 30,8 млрд. сўм (1,1 фоиз), таълим – 106,9 млрд. сўм (3,8 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 962,4 млрд. сўмлик (34,3 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Киритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар (январь-март ҳолатига, фоизда)



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 280,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 156,5 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январь–мартида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	280,8	101,6	179,2
шу жумладан:			
давлат	79,9	79,9	0,0
нодавлат	200,9	21,7	179,2

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инветиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 63,8 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (январь-март, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 52,1 фоизни ташкил қилиб 2017 йилнинг январь–июнъ ойларига нисбатан 389,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: курилиш соҳасида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 0,1 фоизни, (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 7,7 фоиз), Ахборот ва алоқа соҳасида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 7,5 фоизини (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 25,2 фоиз) ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 566,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 20,2 фоизини ташкил қилди.

2018 йилнинг январь–мартида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	фойдаланишга топширилди		2017 йил январь–мартига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда
Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м	844,0	613,6	94,9	77,8
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	742,3	516,9	96,0	76,2
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	101,7	96,7	87,7	87,5
Касалхоналар, ётоқ ўрни	365	-	-	-
Умумий таълим ва маҳсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	4201	1896	-	-
Сув тармоқлари, км	210,0	204,2	86,8	96,8
Газ тармоқлари, км	59,7	59,1	210,2	20 м

2018 йил январь–мартида умумий майдони 844,0 минг кв.м. бўлган 6257 мингта уй ёки 6257 мингта квартира (2017 йилнинг январь–мартига нисбатан 94,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 613,6 минг кв.м. (77,8 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 210,0 км сув тармоқлари (204,2 км қишлоқ жойларда) ва 59,7 км газ тармоқлари (59,1 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2017 йилнинг январь–сентябрга нисбатан 210,2 фоизни ташкил этиб, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 20 мартаға купайган.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари, олий таълим муассасалари, лицей ва касб–ҳунар коллежлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга 25853,1 млн сум инвестициялар ўзлаштирилди.

Сув тармоқлари қурилишига 4657,8 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 4657,8 млн. сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 310,5 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 310,5 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2018 йил январь–сентябрида 2015,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби


	январь–сентябрь	
	2017 й.	2018 й.

Қурилиш ишлари, млрд. сўм	1493,1	2015,8
---------------------------	--------	--------

шу жумладан:

давлат	39,5	43,8
нодавлат	1453,6	1972,0

Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (январь-сентябрь, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1972,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 97,8 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 2015,8 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 97,8 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Фарғона шаҳрида 95,5 фоизни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 фоизга кўпайган) Фарғона туманида – 97,8 фоиз (0,1 фоизга), ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 23,1 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.